TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMAN HOKIMI
Q A R O R I

2022 - yil 1 - mart 52-14-203-Q/22 Yashnobod tuman hokimligi

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 10 январдаги “Тошкент шаҳридаги транспорт воситаларини 2022 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ҳақида”ги 14-14-0-Q/22-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган, белгиланган тартибда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда - ДЙҲХХ) органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаларини мажбурий техник кўригини (кейинги ўринларда-техник кўрик) ташкил қилиш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 10 январдаги 14-14-0-Q/22-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 10 январдаги “Тошкент шаҳридаги транспорт воситаларини 2022 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ҳақида”ги 14-14-0-Q/22-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳрида транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш бўйича коммиссия таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳри туманларида транспорт

воситаларини 2022 йил учун техник кўрикдан ўтказиш жадваллари 2-12-иловаларга мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Туманда транспорт воситалари жорий йилда қуйидаги даврийликка мувофиқ:

тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи енгил автомобиллар, автобуслар, тролейбуслар, трамвайлар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари-бир йилда икки марта (биринчи марта – 1 март-30 июнда, иккинчи марта – 1 сентябрь-31 октябрда);

ишлаб чиқарилганига олти йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилганига олти йилдан ортиқ бўлган, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқ бўлмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари)-бир йилда бир марта;

тиркамалар техник кўрикка транспорт воситаси-шатакчи учун белгиланган муддатларда;

навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида (биринчи марта рўйхатга олинаётган янги транспорт воситалари бундан мустасно) техник кўрикдан ўтказилади.

4. Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бошқа транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь-31декабрда ўтказилади;

5. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йиғим ундирилади.

6. Туман ИИБ ЙҲХБ (А.А.Артиков) ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 125-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошисига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси

Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги хизмати ҳарбий бўлинмаларининг транспорт воситалари мазкур идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

7. Туман ИИБ ЙҲХБ (А.А.Артиков);

транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш тартиби ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали омма эътиборига етказиш ишлари ташкиллаштирилсин.

ДЙҲХХ ҳудудий органи томонидан юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда юридик шахсга, тегишли ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юборилиши, техник кўрик бошланишида камида ўн кун олдин белгиланган тартибда юридик шахсдан ҳужжатлар тақдим қилиниши;

жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда, техник кўрикдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда транспорт воситаси эгасидан ёки унга ваколатли шахслар томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши инобатга олинсин.

техник кўрикдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқарган комиссия таркибидаги масъул ҳодимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

8. Техник кўрик давомида коммиссия таркибида иш олиб борган ҳодимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолиниши инобатга олинсин.

9. Туман ҳокимлиги ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Махмудов);

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Зиявиденов зиммасига юклатилсин.

Яшнобод тумани ҳокими **Б.Рахманкулов**